

## ИККИ ЭМАС, ТЎРТ ТИЛ ЛОЗИМ

Биз туркистонийларга туркий, форсий, арабий ва русий билмок лозимдур. Туркий, яъни ўзбекини сабаби шулки, Туркистон халкининг аксари ўзбакий сўйлашур. Форсий бўлса, мадраса ва удабо тилидур. Букунгача Туркистонни хар тарафиндаги эски ва янги мактабларинда форсий назм ва наср китоблари таълим берилиб келгандур.

Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса хам, мударрисларни такриру таржималари форсчадур. Бу коида, яъни дарс китоби —арабий, муаллим — туркий, такриру таржимани форсийлиги хила ажибдур.

Туркистонда кадимдан бери бу уч тил жорийдур. Чунончи, эски ёрликлардан маълум бўлурки, Туркистонда эски амир ва хонларни амри фармойиш ва муборак номалари доимо туркий, яна айни замонда дорулказоу адабиёт тахрирлари форсий ёзилар экан. Бу коидалар зотан яхшидур. Аммо бора-бора ёинки кела-кела усули таълим ва китобатга эхмол пайдо бўлуб, хозир бир даражага келибдурки, ахли савод ёинки ахли илми юздан тўксон тўккузи бу уч тилда мукамал тахрири адабийга молик йўқдур. Яъни усули таълим ва тадрисни ислох этмак керак. Ўтайлук.

Туркистоннинг Самарканд ва Фаргона вилоятларинда форсча сўйлайтурган бир неча шаҳар ва кишлоклар бордур. Бухоро хукуматининг тили форсийдур.

Форс шоиру удабоси асарлари киёматгача лаззати кетмайтурган хазинаи маънавийдурки, мундан фойдаланмок учун оврупойилар миллиардлар сарф этарлар.

Бизга саодатдурки, туркий ва форсийни тахсилсиз билурмиз. Хар туркни форсий ва хар форсни туркин билмоги лозимдур.

Форсий билган киши Фирдавсий, Бедил, Саъдий, «Маснавий»дан кандай лаззат олса, туркий билганлар Фузулий, Навоий, Бокий, Сомий, Абдулхак Хомид, Акрамбек, Санойи,

Нобий, Ножийлардан, яна Толстўй, Жул Верн ва уламои замоний асарини туркий таржимасидан лаззат шундай оладур.

Фаранг ва рус донишмандларининг асарларидан фойдаланмок туркий ё русий ва фарангий билмак ила мумкин бўлур, на учунки бугун усмонли, Кафказ ва Казон турклари замона уламози асарини туркийга таржима килиб, кўпайтиргандурлар, яъни туркий билган киши замонни билур. Турк тилига хар бир янги ва нафълик китоблар барча тилда таржима бўлгандур. Араб маданияти юноний Сукрот, Букрот, Фалотунлардан фойдаланганидек, замони хозира маданияти Толстўй, Жул Верн, Кеплер, Коперник, Ньютонлардан фойдаланур. Максаддан узок тушдик.

Бизга лозимки ўз нафъимиз учун русча билайлук, ҳукумат мактабларинда ўқуйлик. Давлат мансабларига кирайлук. Ватанимизга ва ўз динимизга хидмат этайлук. Мусулмон бўлуб туриб тараккий килайлук. Бу замон тижорат иши, саноат ва мамлакат ишлари, хатто, дини ислом ва миллатга хидмат илмсиз бўлмайдур. Масалан, бугунги «подшолик дума»га ўз дин ва миллатимиз нафъига сўзламок бизлар учун мумкин бўлур. Аммо анда бориб сўйлагувчи киши бизга йўк. Анда бориб нафъи бир ўн-сана ўкумок керак, замондан, конундан хабардор бўлмок керакдур.

Хулоса, бугун бизларга тўрт тилга тахрир ва тақрир этгувчилар керак, яъни арабий, русий, туркий ва форсий.

Арабий тил дин учун на даража лозим бўлса, русий хам тириклик ва дунё учун лозимдур.

Хадиси шарифдан маълум бўладурки, жаноби пайгамбар ўз сахобаларидан Зайд бин Собит(га) яхудий хатини ўкуб-ўрганмокга буюрган эканлар. Ва ул жаноб Умар хазрат нубувват панохи ила яхудий хатини ўрганиб хазрат пайгамбарга яхудийлардан келатургон хатларни ўкуб берар эканлар (Сахиhi Бухорий, жуз 4, сахифа 156).

Холбуки, ул зоти бобарокот пайгамбаримиз куввати хокима эгаси эдилар. Яхудийлар махкум ва тобеъ эди. Ал-он Русия хоким, бизлар анга тобеъ ва ўз тириклигимиз учун алар хатини билмок зарур ва хадиси шариф далолатинча дурустлигига жойи инкор бўлмаса керакдур.

*«Ойна» журнали, 1913 йил, 1-сон, 12—14-бетлар.*